

БҮЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА БАДИЙ ТАФАККУРНИИ ШАКЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

**Сафаров Фарход Уразбоевич
“Нурли маскан” мактаб интернат ўқитувчиси**

Аннотация: Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурни шакллантиришга тайёрлашда умумпедагогик туркумдаги ўкув фанлари алоҳида имкониятларга эгалиги ёритилган.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, асар, бадият, тафаккур, бадиий тафаккур, шаллантириш, педагогик таҳеологиялар, дарс, метод.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида таълим тизимини шаклан ва мазмунан ислоқ қилиш, унинг хуқуқий базасини такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия мазмуни, шакл ва методлари самарадорлигини ошириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, обру-эътибор козонган жамият барпо этиш, мамлакатимизнинг демократик тараккиётини таъминлаш ва фукаролик жамиятини шакллантириш, уни демократлаштириш ва либераллаштириш, фукароларнинг сиёсий-хукукий, маънавий-ахлокий, ижтимоий онги ҳамда дунёкараши даражасини ошириш, соғлом тафаккурли баркамол авлодни шакллантиришнинг пойдевори ҳисобланади.

Бозор муносабатларига асосланган жамиятда яшаш ҳар бир инсондан айникса, бўлажак ўқитувчилардан кенг билимларга эга бўлишни талаб килади. Шундай экан, ўқитувчилик касбига тайёргарлик кўраётган талабаларнинг бадиий тафаккурини ривожлантириб бориш зарур.

Шунинг учун, биринчи навбатда, таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чукурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафакат, билим, куникума ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил этувчи ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кундаланг килиб куйилди. Талаба шахси ижодкорлигини ривожлантириш, изчил равишда бири иккинчисининг урнини тулдирувчи боскичлардан иборат узлуксиз жараён бўлиб, ушбу жараённинг сифати муайян педагогик-психологик шарт-шароитлар ва вазиятларга боғликлиги асос булди.

Педагогика олий таълими талабаларининг ўкув жараённida бадиий асарларга кизикишларини орттириш, уларнинг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаш, бадиий тафаккурни шакллантиришга каратилган билиш жараёнини таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим –тарбия жараёнларида бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурнинг ривожланиши уларни изланишга унданганлиги сабабли ҳам, бунда бўлажак ўқитувчиларнинг тафаккурининг энг муҳим жиҳатлари намоён бўлади. Бу жараёнда бўлажак ўқитувчилар бадиий асарларни ўқиши, кўриши, тинглаши фаол амалга оширилади. Педагогика олий таълими талабаларининг бадиий тафаккурини ривожлантириш учун уларнинг бадиий

асарларни қай даражада ўқиётганларини билиш мухим аҳамият касб этади. Буни амалга оширишда таълим ва тарбиянинг асосий методларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг бадиий асар мазмуни қай даражада англаб бораётганлигини, уларнинг фикрлаши ва асар мазмунини курсдошларига етказиб бериш куникмаларини тахлил қилиш орқали билиб борилади.

Бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш бугунги кунда мухим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, қуидагиларга урғу берилди. Ижтимоий гуманитар фанлар доирасида бадиий асарларнинг мазмун моҳиятини тушунтириш. Умумпедагогик фанлар доирасида асарнинг тарбиявий аҳамиятини ёритишга одатлантириш. Дарс жараёнларида ижодий тафаккур қилишга ўргатиб боришга эришиш, асар тахлилига ижодий ёndoшув масаласини биринчи ўринга олиб чиқиш орқали қўйилган муаммо ечимиға келиш. Бадиий тафаккурни ривожлантиришда бўлажак ўқитувчиларни педагогик фаолиятга самарали тайёрлаш жараёни устуворлик қилиши мухим аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчиларни умумий методологик-педагогик қоидалар билан чуқур таништириш орқали таълим ва тарбияда самарадорликка эришиш йўлларини пухта ўйлаш керак.

Бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурни ривожлантириш босқичлари, таълим ва тарбиянинг умумий мазмуни, технологияси устида ишлаш орқали амалга оширилади. Бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурни шакллантиришда қуидаги омилларга эътибор қаратлди. Булар:

- бадиий тафаккурни шакллантиришнинг назарий-методологик асослари;
 - бўлажак ўқитувчиларни бадиий тафаккурнинг назарий ва амалий асослари билан доимий равишда таништириб бориш;
 - бўлажак ўқитувчиларни бадиий асарларнинг педагогик имкониятлари билан таништириб бориш;
 - бўлажак ўқитувчиларни бадиий тафаккур шакллантиришга оид мезонлар устида ишлашга ўргатиш;
 - бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил қилишга ўргатиш орқали яхши натижалага эришиб борилади.
- Бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий тафаккурни шакллантиришда қўлланиладиган замонавий педагогик технологияларни қўллашда қуидагилар ҳам инобатга олиниши мақсадга муоффиқдир:
- бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий тафаккурни шакллантириш жараёнлари ўкув хужжатлари мазмунига айнан мос бўлиши;
 - бўлажак ўқитувчиларни таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларга тўғри ҳал қилишга одатлантириш;
 - тарбиявий жиҳатларининг устуворлигига эътибор қаратиш орқали замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш ўкув мазмунини боитишга хизмат қиласи.

Бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурни шакллантиришда асосий дидактик восита сифатида бадиий асарларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда таълим – тарбиянинг замонавий методлари,

усуллари, воситалари, шакллари ва технологияларидан самарали фойдаланиш керак. Шундай воситалар орқали биз бўлажак ўқитувчиларда бадиий асарлар орқали ўзини ўзи идрок этишга, келажакни қўра билишга, эркин фикрини юритишга, бадиий асарларни ўқишга, асар моҳиятини тушунтира олишга ўргатилади.

Бўлажак ўқитувчиларини ижтимоий ҳаётга янгича ёндашувга, миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланишга, Янги Ўзбекистонга ўз ҳиссасини қўшишга, педагог шахси ва фаолиятига қўйиладиган талабларни бажаришга одатлантириб борилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг бадиий тафаккурини шакллантиришда педагогик – психологик омилларга эътибор кучайтирилади.

Таълим – тарбия жараёнларида бўлажак ўқитувчиларда бадиий тафаккурни шакллантириш масаласида қуидагилар амалга ошириб борилади. Биринчидан, бўлажак ўқитувчиларга бадиий тафаккурнинг инсон фаолиятидаги ўрни борасида маълумотлар берилади. Иккинчидан, бўлажак ўқитувчиларга бадиий тафаккурни ривожлантириш омиллари борасидаги маълумотла берилади. Учинчидан, бадиий тафаккур шаклланиши учун ва унинг моҳияти англатилиб борилади ва асарлар тахил қилишга ўргатилади. Натижада бўлажак ўқитувчилар бадиий тафаккури воситасида таълим – тарбия жараёнига ўзларининг ҳиссаларини қўшиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Феруза Джураева, Ал-Бухорий университети Филология факултети “Шарқ тиллари” кафедраси доценти Бадиий тафаккур ёғдусини излаб: қадим араб нотиги хитобаси мисолида.// <https://www.bukhari.uz/?p=22337>
2. Ж. Эшонкул Миф ва бадиий тафаккур / Ж. Эшонкул - Ташкент. Узбекистан Республикаси Фанлар 7 ашҳемияси, «Фан» нашриёти, 2019. - 312 б. Улуғбек ҳамдам. эркин бадиий тафаккур ва бугунги ўзбек шеърияти
3. Улуғбек Ҳамдам. Эркин бадиий тафаккур ва бугунги ўзбек шеърияти//<https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/ulugbek-hamdam-erkin-badii-tafakkur-va-bugungi-ozbek-she-riyati/>
4. Kushvaktov, N., Isokulov, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.
5. Ҳасанбоев ЖХ, Т. Х., Равшанов, О. А., Кушвактов, Н. Х. (2007). Миллий педагогикамиз тарихий илдизлари ва баркамол авлод тарбияси. *Жиззах*, 116, 18-19.
6. Kushvaktov, N. X. (2006). Pedagogical and computer bases of study and preparation of students of national-spiritual values.